

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 35-36-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (951-952)
ТЎПЛАМИ 2020 йил
14 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

405. «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон Фармони
406. «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармони
407. «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги ПҚ-4816-сон қарори
408. «Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПҚ-4817-сон қарори

409. «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори
410. «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сон қарори
411. «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон қарори

Бешинчи бўлим

412. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 августдаги 18/4-сон, 38-сон, 2020-32-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-10*)
413. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 29 августдаги 18/5-сон «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281*)
414. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 28 августдаги 220-сон «Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 3 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050-3*)
415. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 28 августдаги 221-сон «Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тарикасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 3 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2922-1*)
416. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2020 йил 28 август-

даги 219-сон «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидаларининг 46-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 3 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-2*)

417. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Мудофаа вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 01/11-15/09-сон, 2020 йил 28 августдаги 37-сон «Ҳарбий-техник мулкни баҳолаш» Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш Миллий стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1769-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

405 Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда пиллачилик ва қорақўлчилик тармоқларининг мавжуд салоҳиятини ҳар томонлама ишга солиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг рентабеллигини ошириш учун қулай шароитлар яратиш орқали ушбу соҳаларни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур тармоқлардаги инфратузилма ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш, насл кўрсаткичларини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйиш бўйича фаолиятни кучайтириш талаб этилмоқда.

Пиллачилик ва қорақўлчиликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, пиллачилик ва қорақўлчилик кластерларини ташкил қилган ҳолда хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 июлга қадар республиканинг яйловларга эга барча ҳудудларида озуқа базасини яратган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, шунингдек, мол сўйиш, тери ва жунни қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича қорақўлчилик кластерлари (кейинги ўринларда — кластерлар) ташкил қилинади;

кластерларга қорақўл зотли қўйларини боқишга мўлжалланган, шу жумладан ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларидан яйловлар ижарага берилади;

кластерларга яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хом

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 сентябрда эълон қилинган.

ашёни чуқур қайта ишлашни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича мажбуриятлар юкланади;

кластерлар Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Бухоро чўл-яйлов озукабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

2021 йил 1 январдан бошлаб кластерларга ҳудудларда шахтали ва тик қудуклар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги «Пиллачилик тармоғида ипак қурти озук базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4567-сон қарори 2-бандида назарда тутилган 120 миллион сўмгача миқдорда субсидиялар бериш тартиби қўлланилади;

Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) аъзолари — кластер иштирокчиларига майда шохли наслдор мол харид қилиш ва кўпайтириш, шунингдек, мол сўйиш, озук базасини яратиш, ярим тайёр ва тайёр, шу жумладан, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тери ва жунни қайта ишлаш ҳамда биноларни реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш лойиҳаларини молиялаштириш учун 2020 — 2023 йилларда ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга, лойиҳалар ҳажми, сони ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан ўрнатилган фоиз ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсациялар берилади;

Уюшма аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун камида битта иш ўрни яратиш шарти билан Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида субсидиялар ажратилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан бирга 2021 йил 1 июлга қадар ташкил этилаётган кластерларга озук базасини яратиш учун фойдаланишга киритилаётган қишлоқ хўжалиги майдонларидан 1-иловага* мувофиқ ажратиб берилишини таъминласин.

3. Молия вазирлиги 2020 йил 1 октябрга қадар Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси ҳузуридаги Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4420-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилиши лозим бўлган маблағларнинг қолган қисмини ажратсин.

4. 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида қорақўлчиликни ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари 2 — 2.13-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1 — 2.13-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) ташкил этилсин.

Қўидагилар Қўмитанинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

пиллачилик ва қоракўлчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, ушбу тармоқларни ягона илмий-техникавий сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминлаш;

тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш;

ипак қурти ва қоракўл зотли қўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиш;

пилла ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хом ашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш;

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни энг аввало ташқи бозорларда сотишга қўмаклашиш;

пиллачилик ва қоракўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш.

6. Белгилансинки:

а) қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган барча яйловлар Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказилади;

б) яйловлар кластерларга Қўмита томонидан мустақил равишда, шу жумладан, ноль ставкада ижарага берилади;

в) ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ерларидаги яйловлар кейинчалик Қўмита томонидан кластерларга, шу жумладан, ноль ставкада иккиламчи ижарага бериш учун Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 3-иловага* мувофиқ Қўмитага ноль ставкада ижарага берилади;

г) қўидагилар кластерларни ташкил қилиш шартлари ҳисобланади:

Қўмита, ташаббускор ҳамда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ўртасида ташаббускорга яйловни ижарага беришни, шунингдек, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи шартнома тузилиши;

ташаббускор томонидан яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шохли наслдор молларни кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хом ашёни чуқур қайта ишлашни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилиниши;

д) наслчилик чорвачилик субъектларини давлат аттестациясидан ўтказиш ва наслчилик чорвачилик хўжалиги мақоми тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш қоракўлчиликка тааллуқли қисмида Қўмита билан биргаликда амалга оширилади.

7. Қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган Яйловларни

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хатловдан ўтказиш ва ҳолатини ўрганиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 4-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссия 2020 йил 15 октябрга қадар қорақўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган мавжуд яйловлар Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказилишини таъминлаган ҳолда, ялпи хатловдан ўтказсин.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қўмитанинг доимий эгалигига берилаётган яйловларнинг кадастр паспортлари тайёрланишини ва кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишини тўлов ундирилмасдан таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2020 йил 1 ноябрга қадар қорақўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган яйловларни хатлов натижалари якунларига кўра Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказсин.

8. Қуйидагилар:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти — «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ихтиёридан;

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти — Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ихтиёридан;

Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази — «Ўзчорванасл» агентлиги ихтиёридан Қўмитага ўтказилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Жаҳон банкининг амалга оширилаётган лойиҳаси (15 млн евро) ва Франция тараққиёт агентлиги билан биргаликда ишлаб чиқиладиган «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси (16 млн евро) доирасидаги иккита грант линиялари юқорида кўрсатилган илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базаси, лаборатория ускуналарини модернизация қилиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, уларга хорижий мутахассисларни жалб қилишга йўналтирилишини таъминласин.

10. Қўмита Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятларида ташкил қилинаётган, қишлоқ хўжалигидаги билим ва инновациялар тизимини ўз ичига олган Агрохизматлар марказлари билан чуқур интеграциялашувини;

пиллачилик ва қорақўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига Агрохизматлар марказлари орқали билимлар бериш, уларни илмий-амалий қўллаб-қувватлаш ва хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилишини таъминласин.

11. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипак (ТИФ ТН коди — 5002 ва 5003)ни олиб чиқишда 2021 йил 1 январдан эътиборан олиб чиқиладиган ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипак-

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг ҳар бир килограмми учун 0,05 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

12. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Пиллачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинсин ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипак (ТИФ ТН коди — 5002 ва 5003)ни олиб чиқишда ундириладиган йиғимлардан тўлиқ ҳажмдаги тушумлар, шунингдек, конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар унинг маблағларини шакллантириш манбаи этиб белгилансин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Қўмита бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти филиалларида қорақўлчилик соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича махсус йўналишлар очишни назарда тутсин;

Самарқанд ветеринария ва медицина техникумида майда шохли молларни кўпайтириш ҳамда ипак қурти етиштириш бўйича кадрлар тайёрланишини таъминласин;

Марғилон шаҳридаги 1-сон касб-ҳунар мактабида ипак қурти етиштириш, хом ипакни қайта ишлаш ва ипакдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кадрлар тайёрланишини таъминласин;

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти уларга майда шохли молларни ва ипак қуртини кўпайтириш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишда илмий-методик ёрдам кўрсатиш вазифасини юклаган ҳолда тегишинча Самарқанд ветеринария ва медицина техникумига ва Марғилон шаҳридаги 1-сон касб-ҳунар мактабига бириктирилсин.

14. Ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

2020 йил 1 ноябрга қадар қорақўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган мавжуд яйловларни ялпи хатловдан ўтказишда Комиссияга қўмаклашсин;

яйловлар ўз вақтида Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказилишини ҳамда озуқа базасини яратиш учун кластерларга ер участкалари ажратилишини таъминласин;

б) Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси 2020 йил 1 ноябрга қадар ушбу Фармоннинг 3-иловасида назарда тутилган яйловлар ноль ставкада ижарага берилишини таъминласин;

в) Қўмита 2021 йил 1 июлга қадар:

кластерлар ташкил қилиш ва уларга яйловларни ижарага бериш учун ташаббускорларни, шу жумладан, чет эллик тадбиркорлар орасидан танлаб олсин;

иштирокчиларнинг кластерлар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича аниқ мажбуриятларини белгилаган ҳолда, ташаббускорлар ҳамда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти билан шартномалар тузсин;

кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқалари ўрнатилишини таъминласин;

олис чўл ҳудудларида майда шохли наслдор молларни суғориш учун мавжуд иншоотлар (тик ва шахтали қудуқлар)ни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш бўйича 2021 йилга мўлжалланган дастурни тасдиқласин.

15. Қўмита бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипакни олиб чиқиш устидан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 сентябрь,
ПФ-6059-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**406 Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизими-
ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-
сида***

Ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон халқининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлиги асоси, энг муҳим табиий ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Иқтисодий соҳадаги кенг қўламли ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Хусусан, ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифаларининг ягона органда тўпланганлиги, ер участкалари, бино ва иншоотларга (кейинги ўринларда — кўчмас мулк) кадастр йиғмажилди рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланиши соҳада манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмоқда.

Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилсин.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги доирасида амалга оширилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Кадастр агентлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

а) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер нazorатини амалга ошириш;

б) геодезия ва картография соҳасида:

геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинamik тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингни амалга ошириш;

давлат картография-геодезия кадастрини юритиш;

давлат геодезия nazorатини амалга ошириш;

в) давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, ҳудудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр nazorатини амалга ошириш;

г) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

д) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

4. Қўйидагилар:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг, шу жумладан, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши фақат давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга кириши;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда айбдор шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги;

кўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа кўрсаткич-

ларини аниқлаш мақсадида унинг кадастр йиғмажилди тайёрланиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига кадастр йиғмажилди қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда — туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимининг, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда — туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг мурожаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлигининг буюртмасига асосан тайёрланади, ушбу харажатлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкасига эга бўлган шахс томонидан қопланади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар мазкур Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқ эгаларининг буюртмаларига асосан уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан, ўрмон хўжаликлари, сув хўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш балансда сақловчиларнинг буюртмаларига асосан ва уларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шаходатланган кадастр муҳандислари ҳамда Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан шартнома асосида тайёрланади;

2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида (кейинги ўринларда — Миллий геоахборот тизими) давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

6. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига (кейинги ўринларда — онлайн геопортал) киритилади;

онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади;

ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари фақат Миллий геоахборот тизимида юритилади;

Давлат кадастрлари ягона тизими Миллий геоахборот тизимида шакллантирилади;

тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимида фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўғридан-тўғри тақдим этиб борилади.

7. Кадастр агентлиги:

а) икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат Кадастр агентлиги органлари томонидан кўриб чиқирилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

кўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимни камайитириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) 2020 йил 1 ноябрга қадар онлайн геопортални синов тариқасида ишга туширсин;

в) 2020 йил 1 декабрга қадар барча қишлоқ хўжалиги хариталарининг онлайн геопорталга киритилишини ҳамда унинг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин;

г) 2021 йил 1 январдан бошлаб онлайн геопортални тўлиқ ишга туширсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан бирга ер участкаларини ажратиш ҳақидаги қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўлган бошқа ҳужжатларнинг 2021 йил якунига қадар Миллий геоахборот тизимида тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коррективировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетида назарда тутиладиган маблағлар 2021 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5708-сон Фармони 1-бандига 1-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 сентябрь,
ПФ–6061-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги
ПФ–6061-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил
17 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви
тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПФ–5708-сон Фармонининг 1-бандига киритилаётган
қўшимча ва ўзгартириш**

1. Қуйидаги мазмундаги олтинчи-еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлашни мониторинг қилиш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш».

2. Олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги
ПФ-6061-сон Фармони
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим хужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5065-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 3 августдаги «Жаҳон банки иштирокида «Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимларини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2571-сон қарорининг 7-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3024-сон қарорининг 1 — 3-бандлари ҳамда унга 1 — 5-иловалар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**407 Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг
самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, балиқчилик ва балиқ овлаш хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда интенсив технологияларнинг кенг жорий этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки:

2020 йилдан бошлаб сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сув объектдан олинган ва қайтариб чиқарилган сув ҳажми ўртасидаги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 августда эълон қилинган.

фарқидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган ставкаларда ҳисобланади;

коллектор-дренаж сувларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш учун фойдаланилган сувнинг ҳажми ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Сув хўжалиги вазирлиги таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан аниқланади;

балиқчилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан фойдаланилган сувнинг ҳақиқатда истеъмол қилинган ҳажмини аниқлаш имкони бўлмаганда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси белгиланган сувни истеъмол қилиш нормативларининг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йили сув лимитлари белгиланаётганда балиқчилик хўжаликлари фойдаланиши мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқларининг рўйхати шакллантирилади ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг веб-сайтида жойлаштириб борилади;

балиқчилик хўжаликлари фойдаланиши мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқларидаги сувлардан коллектор-дренаж тармоқларининг лойиҳавий параметрларига риоя қилган ҳолда фойдаланади.

2. Сув хўжалиги вазирлиги:

фойдаланиш мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқлари, ундаги сувларнинг шўрланиш даражаси ва сифати доимий назорат қилиниши ҳамда бу тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида кўрсатиб борилишини;

сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликлари учун сув олиш лимитлари манбаларнинг тахмин қилинган ва ҳақиқий сувлиги, шунингдек, балиқчилик хўжаликларининг сув истеъмоли режаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланишини;

сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликлари, сув етказиб берувчи тегишли ташкилотлар ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда ҳар йили 15 январдан кечикмаган муддатда белгиланган тартибда уч томонлама шартнома тузилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда коллектор-дренаж тармоқлари атрофида санитария-муҳофаза зоналарига риоя этган ҳолда 2021 йилга мўлжалланган балиқчилик лойиҳаларини шакллантирсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ўз ҳудудида жойлашган

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сув истеъмоли режаларини ишлаб чиқишда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирадиган балиқчилик хўжаликларининг сувга бўлган талабини манбалар кесимида (дарё, канал, коллектор-дренаж тармоқлари, сой, булоқ ва бошқалар) ҳисобга олинишини таъминласин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда:

уч ой муддатда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш учун талаб этиладиган сув ҳажми меъёрларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021-2022 йилларда сув танқислиги шароитида дарё ва каналлардан сув оладиган балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзаларида босқичма-босқич янги ресурс тежамкор интенсив технологиялардан ва иккиламчи сув манбаларидан кенг фойдаланиш амалиётини жорий этсин.

6. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент вилоятида табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг гидробиологик ва гидрокимёвий таркибини, омухта ем сифатини таҳлил қилиш ҳамда балиқ касалликларига ташхис қўйиш лабораториясини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда:

кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, уларда замонавий лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича билим ва қўникмаларни шакллантириш учун хорижий стажировкаларни ташкил этиш;

лабораторияларни бутлаш учун ускуналар, бутловчи қисмлар, реагент ва реактивларнинг рўйхатга мувофиқ харидларини амалга ошириш;

балиқчилик соҳасида ўтказилган илмий-тадқиқот ишларини хатловдан ўтказиш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш;

лабораторияларни ташкил этиш, сақлаш ва ходимларга иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар назарда тутилсин.

7. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси табиий сув захиралари ихтиофаунаси ва сув биоресурсларининг ягона маълумотлар банкини (кейинги ўринларда — маълумотлар банки) ташкил этсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг маълумотлар банкидан фойдаланиш бўйича эҳтиёжларига мувофиқ молиялаштириладиган илмий лойиҳалар танловининг ўтказилишини таъминласин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, инновацион ахборот-ресурс хоналари, балиқчиликда селекция ва наслчилик, балиқларнинг табиий ва сунъий озуқа сифатини таҳлил қилишга ихтисослашган лабораторияларни барпо этиш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Ипотека банк» АТИБнинг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

йирик балиқчилик кластерларида балиқларни инкубация қилиш, ёпик сув айланма тизимида, қафаслар, бетон бассейнлар ва тупроқ ҳавзаларида интенсив усулда балиқ чавоқлари ва товар балиқ етиштириш бўйича балиқчилик хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш мақсадида пуллик асосда ўқув курслари ташкил этиш;

балиқчиликка ўқитиш бўйича таянч аудиториялар, кўргазмали балиқхоналар ташкил этиш, шартнома асосида ушбу йўналишдаги кластерлар, фермер хўжаликлари ходимлари, шунингдек, интенсив усулда балиқ етиштираётган аҳолини ўқитишни йўлга қўйиш.

Белгилансинки, аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун дастурлар доирасида ажратиладиган кредитлар устувор равишда балиқчиликка ўқитиш бўйича курсларнинг тегишли сертификатига эга бўлган фуқароларга ажратилади.

10. «Ипотека-банк» АТИБнинг «Ипотека Сармояси» МЧЖ устав фондидаги улуши «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига ўтказилганлиги ҳамда ушбу жамият томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин:

балиқчилик соҳасида лойиҳавий молиялаштиришни амалга ошириш, шунингдек, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мавжуд лойиҳалар (хўжаликлар)нинг самарадорлигини ошириш, уларни молиялаштириш, лизинг хизматларини кўрсатиш, зарур ҳолларда, лойиҳа-смета ҳужжатларини, техник-иктисодий асосларини ишлаб чиқишда хорижий экспертларни жалб қилиш;

интенсив ва ярим интенсив усулда балиқ етиштириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, тайёр ва ярим тайёр балиқ маҳсулотларини ва жаҳон андозалари асосида оқсилга бой озуқа ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳаларни ишга тушириш;

балиқ чавоқларини етиштириш ва кўпайтириш бўйича замонавий наслчилик корхоналарини ташкил этиш.

11. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Чиноз деҳқон бозори» МЧЖнинг «Янги Чиноз балиқ бозори» филиали бино-иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга (кейинги ўринларда — объект), кейинчалик унинг негизида балиқ ва балиқ маҳсулотлари савдосини ташкиллаштиришга мўлжалланган замонавий савдо комплексини ташкил этиш учун «Чиноз деҳқон бозори» МЧЖнинг устав капиталидаги давлат улушини (унга мос келадиган соф активлари қийматини

объектнинг баланс (қолдиқ) қиймати миқдорида) камайитириш ҳисобига Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги:

йигирма кун муддатда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда объектнинг топшириш-қабул қилинишини;

бир ой муддатда объект негизида санитария-эпидемиология талабларига жавоб берадиган балиқ ва балиқ маҳсулотлари савдосини ташкил этиш, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш учун музлаткич ускуналарини қуриш бўйича минимал инвестиция мажбуриятларини, шу жумладан, яратиладиган иш ўринлари сони юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун ҳудудий танлов комиссиясига киритилишини;

икки ой муддатда объектнинг инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлари билан оммавий савдоларга бозор қиймати бўйича сотишга жойлаштирилишини таъминласин. Бунда, объект оммавий савдоларда қўйилган кундан бошлаб уч ой мобайнида сотилмаган тақдирда тўловларни 5 йилгача муддатга тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан бозор қиймати бўйича сотилиши назарда тутилсин.

12. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси балиқчиликка ихтисослашган туманларда 10 тадан аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда хорижий тажриба ва ресурс тежовчи инновацион технологиялар жорий этилишини назарда тутган ҳолда аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш учун қўлланма (балиқ тури, сифати, етиштириш схемаси, ресурс тежовчи технологиялар) ишлаб чиқсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари, ҳудудий «Чорванасл» марказлари ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси:

бир ой муддатда сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳудудлардаги аҳоли ўртасида интенсив усулда балиқ етиштиришнинг афзалликлари ҳамда самарадорликлари хусусида тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳамда ўқув семинарларини ташкил қилиш юзасидан «Иш режа» ишлаб чиқсин;

аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш истагини билдирган талабгорлар рўйхатини шакллантириб, уларга тижорат банклари орқали кредит маблағлари олишда амалий ёрдам кўрсатсин;

балиқ етиштиришни таъминлаш борасида зарур тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

Сув хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштирувчи ташаббускорларга сув ва электр энергиясининг узлуксиз етиб боришини таъминласин.

14. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда аҳоли хонадонларида ин-

тенсив усулда балиқ етиштириш натижалари юзасидан асослантирилган таклифларни 2021 йил 1 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

16. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида:

а) сув ҳўжалиги вазири Ш. Ҳамроев:

балиқчилик ҳўжаликлари билан сувдан фойдаланиш бўйича шартнома тузилиши ва уларга белгиланган сув миқдори кафолатли етказиб берилишини, шунингдек, улар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган сувнинг ҳажмлари аниқланишини;

балиқчилик ҳўжаликлари томонидан фойдаланиш мумкин бўлган коллектор-дренаж тармоқлари рўйхатининг ҳар йили шакллантирилишини, шунингдек, улар ҳақидаги маълумотларнинг вазирликнинг веб-сайтида жойлаштириб борилишини;

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси билан биргаликда балиқчилик ҳўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзаларида ресурс тежамкор технологиялар ва иккиламчи сув манбаларидан кенг фойдаланиш амалиёти жорий этилишини таъминласин;

б) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б. Норқобилов — аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларнинг кўникмаларини янада ривожлантириш мақсадида қўлланмалар ишлаб чиқирилишини таъминласин;

в) Тошкент вилояти ҳокими Р. Ҳолматов ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С. Бекенов — «Чиноз деҳқон бозори» МЧЖ негизда салоҳиятли инвесторларни жалб қилган ҳолда балиқ маҳсулотлари савдосини ташкиллаштиришга мўлжалланган замонавий савдо комплексини ташкил этсин;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — коллектор-дренаж сув тармоқлари атрофида санитария-муҳофаза зоналарига риоя этган ҳолда балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ушбу қарор натижадорлиги тўғрисида 2020 йил 1 декабрга қадар ва 2021 йилнинг ҳар чораги якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 август,
ПҚ-4816-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 29 августдаги
ПҚ-4816-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4005-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Балиқчилик лойиҳалари (аквакультура йўналишидаги) ҳажми ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан 2019 — 2022 йилларда ажратилаётган кредит фоиизи учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация беришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқчилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг фаолиятини қонунийлаштириш мақсадида мазкур сув ҳавзалари бўйича кадастр ҳужжатларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**408 Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сон Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Бухоро чўл яйлов озучабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг тузилмаси 4 — 6-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) бошқарув ходимларининг чекланган сони 51 нафар, шу жумладан, марказий аппаратида — 15 нафар этиб белгилансин.

Белгилансинки, Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларининг штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимининг 30 нафар, Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг — 15 нафар, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг — 20 нафар, Бухоро чўл яйлов озучабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг — 23 нафар штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

3. Қўмита раисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда, Қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қўмита ҳудудий бошқармаларининг тузилмасини тасдиқлаш;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сонини умумий белгиланган штат бирликлари доирасида тасдиқлаш;

Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Қўмитанинг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 3 сентябрда эълон қилинган.

** 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

махаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходим ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш ва уларга, истисно тариқасида, иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгилаш;

Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Қўмита ходимларининг асосий эгаллаб турган лавозимига кўра лавозим маошлари (тариф ставкалари)га, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш;

Қўмита зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун шартнома асосида жалб қилинадиган малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини халқаро амалиёт ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш.

4. Белгилансинки, Қўмита, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қўмита билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Бухоро чўл яйлов озукабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг директорлари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директорлари тегишлича Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раисларининг илм-фан бўйича ўринбосарлари ҳисобланади.

6. Қўмита 2020 йил 1 октябрга қадар:

тармоқнинг саноат қайта ишлаб чиқаришини ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда 2021-2022 йилларда қоракўлчиликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплексини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси қошидаги Пиллачиликни ривожлантириш жамғармаси маблағла-

рини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қўмита Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоил ота кўчаси 1а-уй манзилига жойлаштирилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қўмитанинг ҳудудий бошқармаларини жойлаштириш учун зарур хоналар ажратиб, маҳаллий бюджет ҳисобидан уларнинг Интернет тармоғига уланишини ҳамда инвентарлар, мебель ва оргтехника билан жиҳозланишини таъминласин.

9. «Туронбанк» АТБ ва Республика «Қоракўлчилик» уюшмасининг қоракўлчилик кластерлари ва Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси таркибига кирувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳалари) молиялаштириш бўйича таклифига розилик берилсин.

Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси икки ой муддатда 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхатини шакллантирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Қўмита бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 сентябрь,
ПҚ-4817-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги
ПҚ-4817-сон қарorigа
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2841-сон қарorida:

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси бошқаруви раисига, зарурат туғилганда, ижро этувчи аппарат тузилмасига ўзгартишлар киритишга рухсат берилсин»;

9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «махаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;

5 — 7-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2856-сон қарори 2-иловаси «Раис ўринбосари — Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори» блоки билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги «Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3603-сон қарорининг 2-банди ҳамда 1 ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги «Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3616-сон қарорининг 3-банди ва 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4254-сон қарорида:

1-банднинг ўн саккизинчи хатбошисидаги «Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-илованинг «Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти» ва «Республика «Қорақўлчилик» уюшмаси*» блоклари чиқариб ташлансин;

2-илованинг 11-позицияси чиқариб ташлансин;

21-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4420-сон қарорида:

8-банддаги «Халқ банки» АТБ» сўзлари «Турон банк» АТБ» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

15-банддан учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**409 Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6034-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгилансин:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олиншини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 4 сентябрда эълон қилинган.

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

28 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжат-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш;

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоӣ аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Белгилансинки, Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жисмонӣ ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қуйидаги имкониятларни берувчи «Адолат» ахборот тизимлари комплекси жорий этилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш;

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш;

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш.

6. Олий суд 2020 йил якунига қадар:

суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқсин ва уни амалиётга жорий этсин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этишлари имконини берувчи ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

7. Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон мурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш;

Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва мурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўрнатиш.

8. «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази»

давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар зиммасига суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилиши режалаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

Белгилансинки, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактабининг буюртмаси асосида доимий равишда «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар томонидан амалга оширилади, уларни ишлаб чиқиш учун шартномалар белгиланган тартибда тузилади ҳамда шартнома нархи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган ўртача бозор нархи асосида шакллантирилади.

9. Ҳудудларда судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бириктирилсин.

Олий суд Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш юзасидан ҳудудлар кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

10. Судьялар олий мактаби бир ой муддатда судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модулини киритсин.

11. Белгилансинки:

суд тизими учун дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

судлар фаолиятини рақамлаштиришда зарур компьютер, сервер ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Мазкур қарорнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

Олий суд раиси (К. Камилов) ва Судьялар олий кенгаши раиси (Х. Ёдгоров) Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида ҳамда халқаро анжуманларда суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этиладиган ахборот тизимларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдаги

аҳамиятини муҳокама қилсин, шунингдек, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш чораларини кўрсин;

Олий суд раиси (К. Камилов), ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири (Ш. Садилов) Дастур ва «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин;

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари (Л. Қудратов) Олий суд раиси (К. Камилов) билан биргаликда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича қарорда белгиланган лойиҳалар ва тадбирлар ижросини таъминлаш учун халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (О. Умаров) Дастур ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига кўмаклашсин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори (А. Ходжаев) Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва «Дунё» ахборот агентлиги билан биргаликда аҳоли, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамжамияти орасида суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳақида кенг тарғибот ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ижтимоий роликларни мунтазам равишда жойлаштириш чораларини амалга оширсин.

13. Олий суд, Судьялар олий кенгаши мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда ахборот бериб борсин.

14. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 3 сентябрь,
ПҚ-4818-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**410 Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер хисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6061-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) тизимида:

а) қуйидагилар ташкил этилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари негизида — Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари;

Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази негизида — давлат муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда — Давлат кадастрлари палатаси);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) филиаллари негизида — Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари;

Марказий аэрогеодезия корхонаси, Самарқанд аэрогеодезия корхонаси, «Геоинформкадастр» давлат унитар корхонаси, «Картография» давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси негизида — давлат муассасаси шаклида Республика аэрогеодезия маркази;

Давлат геодезия назорати инспекцияси негизида — Кадастр агентлигининг марказий аппарати таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Геодезия назорати бошқармаси;

б) Давлат геодезия назорати инспекцияси хузуридаги Давлат картография-геодезия фонди Кадастр агентлиги бўйсунувига ўтказилсин;

в) «Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» давлат унитар корхонаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибига, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига ўтказилсин.

2. Кадастр агентлиги икки ой муддатда:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

мазкур қарорда назарда тутилган ташкилотларни тугатиш, ўзгартириш ва ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни яқунласин;

тугатилаётган ташкилотларга тегишли бўлган, улар фойдаланаётган бино ва иншоотлар, бошқа моддий қимматликлар уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ворисларига ўтказилишини таъминласин;

«Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг вазифалари, функциялари, ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалини Кадастр агентлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

«Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалини Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилаётган қўшимча вазифалардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин;

«Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг вазифалари, функциялари ва ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқиши муносабати билан Кадастр агентлиги билан биргаликда тасдиқланадиган тақсимлаш балансига асосан тегишли моддий-техника ресурсларининг «Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтига топширилиши ва улар томонидан қабул қилиб олинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига айлантирилсин.

Қуйидагилар Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Кадастр агентлиги органлари томонидан қўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга асосан ундириладиган жарималарнинг 100 фоизи;

фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун ундириладиган жарималарнинг 10 фоизи;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10 фоизи;

Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатишдан тушган маблағларнинг 10 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

Кадастр агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — Кадастр агентлиги директори бошчилик қилади;

Кадастр агентлиги директорининг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Давлат кадастрлари палатаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрини, давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини ҳамда Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади;

Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказди, ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этади;

Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари кўчмас мулк объектларининг жойлашган жойидан қатъи назар давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмаларига асосан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатади;

кадастр муҳандислари ва Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатишда тенг шароитлар яратилади;

Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари Кадастр агентлиги директорининг буйруғига асосан босқичма-босқич тугатиб борилади ва заруратга кўра фақат олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда сақлаб қолинади;

Давлат кадастрлари палатаси, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари фаолияти кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга асосан пулли хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари, Давлат кадастрлари палатаси раиси, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари бошлиқлари, Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг комплаенс-назорат хизмати ходимлари Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 81 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони 5-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 114 нафардан иборат тузилмаси 6-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Кадастр агентлиги директорига:

зарур ҳолларда, Кадастр агентлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари, шунингдек, Кадастр агентлиги тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиалларининг намунавий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган сонини иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ва ўзгартириш;

зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Кадастр агентлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларига Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатасига ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров:

икки ҳафта муддатда Кадастр агентлигининг марказий аттестация комиссиясини ташкил этсин, унинг таркибига келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари, фан ва таълим муассасалари вакиллари ҳам киритилишини таъминласин;

икки ой муддатда Кадастр агентлиги тизимидаги раҳбарлик лавозимларига номзодларни ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилишини таъминласин;

2020 йил охирига қадар Кадастр агентлиги тизимидаги бошқа лавозимларга малакали ходимларнинг ишга қабул қилинишини таъминласин.

9. Давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар фаолият

* 5 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тини мувофиқлаштириш ва самарали ташкил этиш мақсадида Давлат кадастрларини шакллантириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Идоралараро ишчи гуруҳ) ташкил этилсин ва унинг таркиби 8-иловага* мувофиқ тасдиқласин.

Мазкур қарорнинг 9-илласига* мувофиқ Давлат кадастрлари объектларини хатловдан ўтказиш ва Миллий геоахборот тизимига киритиш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш Идоралараро ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

Белгилансинки, Мақсадли кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши ҳолати Идоралараро ишчи гуруҳнинг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида муҳокама қилинади.

10. Кадастр агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 1 декабрга қадар давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органларнинг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилишини таъминласин.

11. Қуйидагилар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловининг суғориладиган ерлар учун 10 фоизи, лалми ерлар, суғориладиган ва лалми бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун — 5 фоизи;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10 фоизи;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш учун ўтказиладиган электрон онлайн-аукционлардан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи (электрон аукционни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташлангандан кейин ҳисобланади).

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

стратегик ривожлантириш, инвестициялар ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими тугатилсин;

қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер мониторингини амалга ошириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими киритилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган қўшимча 204 та бошқарув ходими штат бирликлари ажратилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари мансабдор шахсларига қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини ўтказиш жараёнида аниқланадиган ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик-

* 8-9-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар тўғрисида баённома тузиш ва кўриб чиқиш учун ваколатли органларга юбориш ҳуқуқи берилсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Жаҳон банки томонидан «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан 2021-2022 йилларда вазирлик тизимида ўтказилган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштиришда инновацион технологияларни жорий этиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 10-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Кадастр агентлиги:

а) бир ой муддатда Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) икки ой муддатда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

«Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини;

давлат ер кадастрини юритиш, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ҳамда давлат ер назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини;

конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 сентябрь,
ПҚ-4819-сон

* 10-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**411 Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти 2017 йилга нисбатан 2019 йилда 2 бараварга кўпайишига, йилига 10 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 17 миллион тоннадан ортиқ бошқа деҳқончилик маҳсулотлари ва 2,5 миллион тонна гўшт етиштиришга эришилди.

Шу билан бирга, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро стандартлар ва хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрлар орасида ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги бозорларни очишда тўсқинлик қилмоқда.

Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи (ишлаб чиқарувчи) корхоналар билан ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар учун шароитлар яратиш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларидан унумли фойдаланиш асосида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг стратегия ва моделларини ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари — янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, юқори самара берувчи йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш;

озиқ-овқат саноатининг ривожланишига хусусий ва тўғридан-тўғри чет инвестициялар оқимининг таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш;

замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, маҳаллий

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

озик-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорларида илгари суриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда импорт ҳажмини камайтириш чораларини кўриш.

2. Мазкур қарорга асосан юклатилаётган қўшимча вазифаларни самарали амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва инфратузилмани ривожлантириш бошқармаси негизида бошқарув ходимларининг чекланган сони 12 та штат бирлигидан иборат Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил этилсин;

вазир ўринбосари — Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозими жорий қилинсин.

Бунда, Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасининг 8 та штат бирлиги қўшимча штат бирликларини киритиш ҳисобига шакллантирилади.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 20 млрд сўм миқдоридаги маблағларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)га ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини сарфлашнинг қўшимча йўналишлари этиб белгилансин:

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг инфратузилмасини таъминлаш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

озик-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш соҳасига хорижий экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини, лекин ҳар бир лойиҳа учун 50 млн сўмдан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш тартиби бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзбекизик-овқатхолдинг» ХКнинг:

«Ўзбекизиковқатхолдинг» ХКни тугатиш;

«Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК Озиқ-овқат саноати корхоналарини ри-
вожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш жамғармасининг
тугатиш якунларига кўра қолдиқ маблағларини Жамғармага ўтказиш тўғри-
сидаги таклифларига розилик берилсин.

6. «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХКни тугатиш комиссияси 1-иловага*
мувофиқ таркибда тузилсин.

7. Молия вазирлиги сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини
ташқил этиш учун Ҳукумат қафолати остида жалб этилган халқаро молия
институтлари ва хорижий банклар олдидаги тугатилаётган «Ўзбекизоқов-
қатхолдинг» ХКнинг қарз маблағларини график бўйича тўлаб борилишини
таъминласин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазир-
лиги тижорат банклари билан биргаликда:

озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш
тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари
маблағларининг кенг жалб қилинишини;

халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағлари Қорақал-
поғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиштирувчилар,
қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини
таъминласин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бош-
қа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари
асосида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муас-
сасаларининг «5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари
бўйича)» ҳамда «5410500-Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва даст-
лабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)» таълим йўна-
лишлари бўйича бакалавриятнинг кундузги ва сиртқи таълим шаклларига
ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини босқичма-бос-
қич ошириб бориш чораларини кўрсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда тегишли таълим йўналишлари (мутахассисликлар)да
соҳа бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг амалиётларини ўташ объект-
лари — иш берувчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакл-
лантирсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил
1 декабрга қадар озиқ-овқат технологиялари соҳасида замонавий техника
ва технологияларни жорий этган етакчи корхона, ташкилотлар ва муасса-
салар билан талабаларнинг амалиётларини ўташ юзасидан ўзаро ҳамкор-
лик ўрнатиш тўғрисида тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

10. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақ-
тида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ў. Барноев:

бир ҳафта муддатда қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари — Озиқ-овқат

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

саноатини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи лавозимига юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали номзод бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин;

бир ой муддатда ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича туманларнинг диверсификацияланишини таъминласин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев):

бир ой муддатда Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармасини танлов асосида зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга замонавий менежмент ва маркетинг усулларини эгаллаган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) ҳамда Давлат божхона қўмитаси (Азимов) билан биргаликда уч ой муддатда озиқ-овқат саноатида импорт қилинаётган товарлар тури, таснифи, миқдори, нархи ҳамда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналар бўйича доимий янгиланиб борадиган маълумотлар базасини яратсин ва уни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда:

уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, савдо-логистика ҳамда сақлаш марказларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 январга қадар республикада қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд ички талабни ҳисобга олган ҳолда 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган саноатбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 мартга қадар мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

г) Бош вазир ўринбосари С. Умурзоқов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

туман (шаҳар) ҳокимликлари бир ой муддатда ҳудудларнинг мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича инвестициявий лойиҳалар ташаббускорларини аниқласин ва лойиҳаларни ишга тушириш учун доимий амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва «Дунё» ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қарорда белгиланган тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4292-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2492-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўшбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 сентябрь,
ПҚ-4821-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

412 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-10

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор 2020 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 август,
18/4-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 август,
38-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 августда эълон қилинган.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 август,
2020-32-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқаруви,
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2020 йил 25 августдаги
18/4, 38 ва 2020-32-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В, 89 ва 2002-62-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165, 2002 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 17 апрелдаги 222-В-1, 69 ва 2004-32-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-1, 2004 йил 4 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 22-23-сон, 270-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 8 октябрдаги 30/2, 62 ва 2011-29-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-2, 2011 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 42-сон, 460-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 27 сентябрдаги 33/2, 64 ва 2014-32-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-3, 2014 йил 7 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 41-сон, 510-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия ва-

зирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 20 октябрдаги 222-В-4, 80 ва 2015-28-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-4, 2015 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 43-сон, 557-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 7 январдаги 222-В-1, 4 ва 2017-3-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-5, 2017 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 2-сон, 39-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 октябрдаги 222-В-6, 148 ва 2017-60-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-6, 2017 йил 22 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 47-сон, 1159-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 8/1, 54 ва 2018-12-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-7, 2018 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 11-сон, 212-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 16 февралдаги 222-В-8, 15 ва 2019-11-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-8, 2019 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 9-сон, 163-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 22 июндаги 222-В-9, 80 ва 2019-42-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1165-9, 2019 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 27-сон, 499-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**413 Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини
амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
31 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор 2020 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 август,
18/5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
29 августдаги 18/5-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини
амалга ошириш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси резидентлари (бундан буён матнда резидентлар деб юритилади) ва норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) томонидан валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 августда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
валюта ҳисобварақлари — Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақлар;

ички валюта бозори — валюта биржасида, Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида ҳамда бевосита тижорат банкларида миқозлар билан амалга ошириладиган чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш;

ички валюта операциялари — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида амалга ошириладиган операциялар.

2. Ички валюта операцияларига қуйидагилар киради:

божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек, халқаро ташишларда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш чоғидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

воситачилар (вакиллар) томонидан норезидентлар билан товарларни топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборот ва интеллектуал фаолият натижаларини, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бериш бўйича шартномалар тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар, шу жумладан, комитентларга (ишонч билдирувчиларга) пул суммаларини (бошқа мол-мулкни) қайтаришга доир операциялар;

тузилган шартномалар асосида транспорт-экспедиторлик хизматларини реализация қилишдан экспедиторлик компанияларининг ҳисобварағига хориждан келиб тушаётган чет эл валютасидаги маблағларни ҳисоб-китоб қилишни ва ўтказишни назарда тутувчи операциялар;

жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарлари амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларини тўлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш бўйича операциялар, шунингдек, хизмат сафарлари муносабати билан берилган, сарфланмай қолган бўнақни қайтаришга доир операциялар;

резидент жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақлардан бошқа резидент жисмоний шахслар фойдасига уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига носавдо операциялар бўйича ўтказмалар;

агар охириги харидор ёки сотувчи норезидент бўлса, воситачилар (вакиллар) томонидан мажбуриятлар клиринг натижалари бўйича бажарилиши лозим бўлган шартномаларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар;

мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида валюта қимматликларидан фойдаланиш, шунингдек, уларни ундириш билан боғлиқ операциялар;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) валюта қимматликларини киритиш ва қайтариш билан боғлиқ операциялар;

банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операциялар;

хайрия фаолияти билан боғлиқ операциялар;

мерос ҳукуқи бўйича валюта қимматликларини олиш билан боғлиқ операциялар;

мазкур Қоидаларнинг 45-бандида белгиланган ҳолатларда нақд чет эл валютасини қабул қилиш билан боғлиқ операциялар;

ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялари;

норезидент юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари, даромадлари ва қонуний йўл билан топилган бошқа маблағларини ушбу норезидент томонидан Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ваколатхона ёки доимий муассасага ўтказиш операциялари;

товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида норезидентлар томонидан, шу жумладан, биржа брокерлари орқали товарларни сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ ўтказмалар;

қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очиқ электрон савдоларида норезидентлар томонидан, шу жумладан, биржа брокерлари ва инвестиция воситачилари орқали акцияларни сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ ўтказмалар;

хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига консуллик йиғимларини тўлаш;

судларнинг қарорлари асосида пул маблағларини тўлаш.

Ички валюта операциялари резидентлар ва норезидентлар томонидан ушбу Қоидаларга мувофиқ чекловларсиз амалга оширилади.

3. Резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисобварақларни очиш Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси банклари хорижий банклар билан тузилган шартномаларга (келишувларга, битимларга) асосан миллий ва чет эл валютасида ўзаро вакиллик ҳисобварақлари очишлари ҳамда ушбу ҳисобварақлардан шартномада кўрсатилган мақсадлар доирасида фойдаланишлари мумкин.

5. Халқаро молия институтларининг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларидан томонлар ўртасида тузилган шартномаларда кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

6. Резидент юридик шахсларнинг номига келиб тушаётган валюта маблағлари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларига киритилиши шарт.

7. Норезидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган миллий валютадаги ҳисобварақларига қонуний йўл билан топилган маблағлари киритилади ва улардан мазкур Қоидаларга мувофиқ мустақил равишда фойдаланадилар.

8. Резидентлар ва норезидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ўз ҳисобварақларидан маблағларини Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ўз ҳисобварақларига чекловларсиз ўтказишлари мумкин.

9. Тижорат банклари томонидан чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операциялари валюта позициясига нисбатан ўрнатилган лимитлар доирасида амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ва тижорат банклари бевосита ўзлари ўртасида, ўз миждозлари билан, шунингдек, валюта биржаси орқали валютавий своп операцияларини Халқаро своплар ва деривативлар ассоциациясининг (International Swaps and Derivatives Association — ISDA) своп битимини тузишнинг намунавий шартлари ва тавсиялари асосида амалга оширадилар.

11. Капитал ҳаракати операциялари Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомда (рўйхат рақами 2536, 2013 йил 17 декабрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширишда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этишлари лозим.

2-боб. Тижорат банклари томонидан резидентларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларини юритиш

13. Резидент юридик шахсларнинг, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг чет эл валютасидаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган валюта ҳисобварақларида сақланади ва улар ушбу маблағлардан мазкур Қоидаларга мувофиқ мустақил равишда фойдаланадилар.

14. Резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги ҳисобварақлардан ушбу ҳисобварақларни очиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади.

Хорижий давлатларда ҳисобварақлар очган резидент юридик шахслар томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 санасига қадар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги давлат солиқ хизматига ҳамда асосий ҳисобварақига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ҳисобварақлар очилганлиги

(ёпилганлиги) тўғрисида ва ҳисобварақларнинг реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек, ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқлар ва айланмалар тўғрисида маълумотлар иловада* келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилади.

15. Резидент юридик шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг валюта ҳисобварақларига ички ва халқаро валюта операциялари бўйича чет эл валютаси киритилиши мумкин.

Валюта ҳисобварақлардаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра:

ички валюта операциялари учун;

жорий халқаро операциялар учун;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда капитал ҳаракати операциялари учун;

хизмат сафари харажатлари учун, шу жумладан, нақд шаклда фойдаланилиши мумкин.

16. Резидент жисмоний шахсларнинг номига келиб тушаётган валюта маблағлари уларнинг ҳисобварақларига чекловларсиз киритилади ҳамда ушбу маблағлардан мустақил равишда фойдаланилади.

3-боб. Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларини юритиш

17. Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган, иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасидаги бошқа хорижий ташкилотлар ваколатхоналарининг (бундан буён матнда норезидентларнинг ваколатхоналари деб юритилади) чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида олинган консуллик йиғимлари;

ваколатхона ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварағидан ўтказилган маблағлар;

ваколатхона ташкил этган норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари, даромадлари ва қонуний йўл билан топилган бошқа маблағлари;

ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар;

йўловчи божхона декларацияси асосида хориждан олиб келинган нақд чет эл валютаси, бундан декларация тўлдириш талаб этилмайдиган ҳолатлар мустасно;

хориждан ҳисобварақ эгаси номига почта жўнатмалари орқали юборилган нақд чет эл валютаси киритилиши мумкин.

Норезидентлар ваколатхоналарининг чет эл валютасидаги ҳисобварақлардаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра:

ваколатхона ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварағига ўтказиш учун;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чет элга носавдо тусдаги пул ўтказмаларини амалга ошириш учун;
чет эл валютасидаги операциялар бўйича банкнинг воситачилик ҳақини, ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига жўнатилиши билан боғлиқ харажатларни (шу жумладан, нақд шаклда) тўлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тижорат банклари орқали сотиш учун фойдаланилиши мумкин.

18. Норезидентлар доимий муассасаларининг чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

доимий муассаса ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварақидан ўтказилган маблағлар;

доимий муассаса ташкил этган норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари, даромадлари ва қонуний йўл билан топилган бошқа маблағлари;

ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлари;

жорий халқаро операцияларига оид ўтказмалар киритилиши мумкин.

Норезидентлар доимий муассасаларининг чет эл валютасидаги ҳисобварақларидаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра:

доимий муассасани ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварақига ўтказиш учун;

чет эл валютасидаги операциялар бўйича банкнинг воситачилик ҳақини, ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига жўнатилиши билан боғлиқ харажатларни (шу жумладан, нақд шаклда) тўлаш учун;

ички валюта бозорида сотиш учун;

жорий халқаро операциялар учун фойдаланилиши мумкин.

19. Товар-хом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очиқ электрон савдоларида акцияларни сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи норезидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

ушбу савдоларда иштирок этаётган норезидент юридик шахснинг хориждаги ҳисобварақидан ўтказилган маблағлар;

ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар;

товар-хом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очиқ электрон савдоларида акцияларни сотишдан тушган маблағлар киритилиши мумкин.

Товар-хом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очиқ электрон савдоларида акцияларни сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи норезидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра:

ички валюта бозорида сотилиши;

товар-хом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очиқ электрон савдоларида акцияларни сотиб олиш учун фойдаланилиши;

товар-хом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очиқ электрон савдоларида иштирок этаётган норезидент юридик шахснинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин.

20. Норезидент жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

йўловчи божхона декларацияси асосида (декларация тўлдириш талаб этилмайдиган ҳолатлар бундан мустасно) хориждан олиб келинган нақд чет эл валютаси;

носавдо тусдаги ўтказмалар;

ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар;

қонунийлигини асослантирувчи ҳужжатлар асосида олинган маблағлар киритилиши мумкин.

Норезидент жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларидаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра:

носавдо тусдаги ўтказмалар учун;

ички валюта бозорида сотиш учун;

нақд чет эл валютасида ечиб олиш учун;

хорижий банкларда очилган ўз ҳисобварақларига ўтказиш учун фойдаланилиши мумкин.

**4-боб. Ички валюта бозорида хўжалик юритувчи
субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиш ва сотиб
олиш операцияларини амалга ошириш**

21. Ички валюта бозорида қуйидаги операциялар амалга оширилади:

валюта биржасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш;

тижорат банклари томонидан ўз миқдорларининг валюта маблағларини шартнома (оферта битими) асосида сотиш ва сотиб олиш;

тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш;

тижорат банклари томонидан банклараро савдо сессиясида валюта маблағларини сотиб олиш ва сотиш;

товар-хом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очиқ электрон савдоларида акцияларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобига норезидентлар томонидан, шу жумладан, норезидентлар номидан биржа брокерлари ва инвестиция воситачилари орқали валюта маблағларини сотиб олиш ва сотиш.

Ички валюта бозорида чет эл валютасининг сотиб олиниши ва сотилиши резидентлар ва норезидентлар томонидан жорий халқаро операциялар бўйича, шунингдек, норезидентларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ва даромадларини репатриация қилиш мақсадлари учун чекловларсиз амалга оширилади.

22. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл

валютасидаги Ягона ғазна ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар томонидан чет эл валютасининг сотиб олиниши ва сотилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги 329-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг ғазна ижроси тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

23. Хўжалик юритувчи субъектлар чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун хизмат кўрсатувчи банкка буюртма тақдим этадилар. Бунда буюртма шакли банк бошқаруви томонидан тасдиқланади ва унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

мижоз номи;

валюта тури ва суммаси;

сотиб олиш ёки сотиш курси.

Чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этиладиган буюртмаларда қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади:

чет эл валютасини сотиб олиш мақсади;

валюта операцияларини асословчи ҳужжатлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун буюртмалар хизмат кўрсатувчи банкларга масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон кўринишда ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Буюртмада қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик мазкур буюртмани тақдим этган хўжалик юритувчи субъект зиммасига юклатилади.

Чет эл валютасидаги кредит ва лизингларга хизмат кўрсатиш, хорижий инвесторлар фойдаси, дивиденд ва бошқа даромадларни репатриация қилиш мақсадида чет эл валютасини сотиб олишда, хизмат кўрсатувчи банклар ушбу операцияларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир.

24. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этилган буюртмани кўриб чиқиш хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли таркибий бўлинмаси (бундан буён матнда таркибий бўлинма деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этилган буюртмалар таркибий бўлинма томонидан қабул қилинган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича буюртмани қаноатлантириш ёки уни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисида ҳулоса тайёрланади ва тасдиқланади.

Таркибий бўлинма фаолиятини назорат қилиш ҳамда буюртмани кўриб чиқиш натижаси бўйича тайёрланган ҳулосани тасдиқлаш банк бошқаруви раисининг тегишли ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Буюртма бўйича ҳулосаларнинг қонунийлиги учун уни тасдиқлаган банк бошқаруви раисининг тегишли ўринбосари жавобгар ҳисобланади.

25. Чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун томонлар келишувига кўра бир марталик бош шартнома ёки ҳар бир операция бўйича ало-

ҳида шартномалар расмийлаштирилиши мумкин. Бунда шартномалар хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли дастурий таъминот воситаси орқали электрон шаклда ҳам тузилиши мумкин.

26. Хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ички валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютасини кирим қилиш учун мижоз номига махсус ҳисобварақлар очилади.

Махсус валюта ҳисобварағига ушбу ҳисобварақдан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган, шунингдек, бошқа сабабларга кўра қайтарилган чет эл валютаси ҳам кирим қилинади.

27. Қаноатлантириш тўғрисида хулоса тасдиқланган буюртмалар бўйича тижорат банки ва мижозлар ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар икки банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади.

Икки банк иш кунидан ҳисоб-китоблар якунланмаган бўлса, келишув бекор қилинган ҳисобланади. Бунда хизмат кўрсатувчи банклар томонидан мижознинг буюртмасига асосан валюта биржасидан сотиб олинган маблағлар валюта биржасига қайта сотилиши лозим.

28. Махсус валюта ҳисобварақларига киритилган маблағлар қатъий равишда буюртмаларда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

29. Банк мижози томонидан сотиб олиниб, мижознинг махсус валюта ҳисобварағига киритилган вақтдан эътиборан етти банк иш куни мобайнида фойдаланилмаган валюта маблағлари, ушбу муддат тугагандан кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда тижорат банкларига қайта сотилиши шарт.

Махсус валюта ҳисобварағидан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган, шунингдек, бошқа сабабларга кўра қайтарилган чет эл валютаси ҳам уч банк иш куни мобайнида тижорат банкларига қайта сотилиши ёки буюртмада кўрсатилган мақсадлар учун такроран ўтказиб берилиши лозим.

Бунда, чет эл валютасининг қайта сотилиши сотув кунидagi валюта биржаси курси бўйича акцептсиз равишда амалга оширилади.

30. Ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялари чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланидиган валюта курси бўйича амалга оширилади.

31. Биржа савдоларининг ташкил қилиниши ва ўтказилиши валюта биржасининг ички қоидаларига асосан амалга оширилади.

5-боб. Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби

32. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари чекловларсиз амалга оширилади.

Норезидент жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш улар томонидан республика ҳудудида миллий валюта маблағларининг қонуний манбалардан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади. Бунда операция суммаси тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган сумма миқдоридан ошмаслиги лозим.

33. Тижорат банклари жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширишда Марказий банкнинг Банклараро ягона электрон тизимидан фойдаланадилар.

Банклараро ягона электрон тизимидан фойдаланиш учун тижорат банклари валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи чакана амалиётлар кассалари, банк хизматлари офислари, банкларнинг тегишли таркибий бўлинмалари ҳамда валюта айирбошлаш шохобчаларининг жойлашган жойи (почта манзили) кўрсатилган ҳолда Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармасига маълумот тақдим этади.

Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармаси тижорат банклари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи чакана амалиётлар кассалари, банк хизматлари офислари, банкларнинг тегишли таркибий бўлимлари ҳамда валюта айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олади ва Банклараро ягона электрон тизимига киритиш учун тегишли маълумотни Марказий банкка тақдим этади.

Жисмоний шахслар томонидан валюта айирбошлаш операциялари автоматлаштирилган банк шохобчалари (банкоматлар) ҳамда масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилганда Банклараро ягона электрон тизимдан фойдаланиш талаб этилмайди.

34. Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари тижорат банклари томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади ва ушбу курсларга тижорат банклари томонидан операцион кун давомида ўзгартириш киритилиши мумкин.

35. Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан барча турдаги валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан шикастланиш белгилари мавжуд муомалага яроқли банкноталар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш, шунингдек, муомалага яроқсиз банкноталарни инкассога қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

36. Эмитент-давлат томонидан банкнотага нисбатан ўрнатилган талабларга жавоб берадиган асосий белгиларга (эмитент банк номи, серия ва тартиб рақами, валюта номиналининг рақамлар ва сўз билан кўрсатилиши, олд ва орқа томонининг асосий тасвири (сурати, портрети), қалбакилаштирилишидан ҳимоя қилувчи элементлари (сув белгиси, магнитли белгилар, қоғозга киритилган рангли толалар, жумладан, ультрабинафша нурларда кўринадиган толалар, конфетти (рангли қоғоз тангачалар), ҳимоя иплари, микроматн, нур сочувчи расмлар ва бошқалар) эга бўлган банкнота қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

37. Қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган банкноталар муомалага яроқли қонуний тўлов воситаси ҳисобланади:

банкнота тасвири (шаклини) аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган бўлса (сийқаланиш банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортигини тўсиб қўймаган ҳолатлар бундан мустасно);

банкнота энининг (бўйининг) тўртдан бир қисмидан ошмаган ёпиштирилган йиртиқларга эга бўлса;

ёпиштириб қўйилган бурчаклари ёки қисмлари (1 см^2 дан ошмаган) бўлса ҳамда йиртиб олинган бурчаклари ёки қисмлар аниқ ушбу банкнотага тегишли бўлса;

майда доғлар, ёзувлар, штамп изи бўлганда (бунда ёзув ёки штамп изи икки донадан ортиқ бўлса, банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар бундан мустасно) ҳамда улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган бўлса;

банкнотада диаметри 1 mm дан ошмаган ва иккитадан ортиқ тешиклар бўлса, бунда тешиклар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган бўлиши керак.

38. Мазкур Қоидаларнинг 37-бандида кўрсатилган меъёрлардан ортиқ бўлган ва қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган банкноталар муомалага яроқсиз ҳисобланади:

бўлақларга ажратилган, шу жумладан, ёпиштирилган бўлса;

дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;

ёнган ёки қуйган ҳолатда бўлса;

қонуний тўлов воситаси эканлигини кўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сиёх тўкилган бўлса; банкнотада кимёвий реактивлар таъсири бўлса;

муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса;

банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сув белгиси ёки ҳимоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса;

банкнота геометрик ўлчамининг 3 mm га тенг ёки ундан ортиққа ўзгарган бўлса;

банкнота тасвирини (суратини, портретини, шаклини) аниқлаш имконини бермайдиган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса;

ўзининг қаттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган банкнотлар.

Тегишли хорижий давлатнинг эмитент банки томонидан эълон қилинган санадан кейин муомаладан чиқарилган ҳамда банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар мавжуд бўлган банкноталар тўловга яроқсиз деб эътироф этилади.

39. Тегишли хорижий давлатнинг эмитент банки томонидан эълон қилинган санадан кейин муомаладан чиқарилган ҳамда банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар мавжуд бўлган банкноталар билан валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилмайди.

40. Жисмоний шахслар тижорат банкининг масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда чет эл валютасини сотиши, сотиб

олиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа операцияларни амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун жисмоний шахслар масофавий хизмат кўрсатиш тизимини компьютер қурилмасига (шу жумладан, планшет, мобил телефон ва бошқа қурилмаларга) юклаб олади ҳамда ундан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ офертани акцептлайди.

41. Валюта айирбошлаш шохобчаларини очиш ва ёпиш, хавфсизлик талаблари, шунингдек, айирбошлаш операцияларида қимматликлар билан ишлаш Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи тижорат банки ходимларига қуйидагилар тақиқланади:

валюта айирбошлаш операцияларини сиртдан амалга ошириш;

тегишли маълумотнома бермасдан валюта айирбошлаш операцияларини бажариш ёки валюта айирбошлаш операциясини бажармасдан тегишли маълумотномаларни бериш.

43. Валюта айирбошлаш операцияларини расмийлаштиришда фойдаланиладиган бланклар шакли, шунингдек, шохобча ходимлари сони тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади.

Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи тариқбий тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ фаолият юритиши тижорат банки томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

6-боб. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиш тартиби

44. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк кассаларига АҚШ доллари, инглиз фунт стерлинги, Евро, швейцария франки, япон иенаси ҳамда тижорат банкларининг ихтиёрига кўра бошқа чет эл валюталари қабул қилиниши мумкин.

45. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютаси тижорат банклари кассаларига қуйидаги ҳолатларда қабул қилиниши мумкин:

консуллик йиғимларини тўлаш учун;

хорижда ўтказилган кўргазма ва ярмаркаларда сотилган товарлар учун;

божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек, халқаро ташишларда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш чоғидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар учун;

хорижий хизмат сафари харажатлари учун олинган бўнақларнинг қайтарилишида;

банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операциялар учун;

юримдик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) маблағларни киритиш учун;

хайрия фаолияти билан боғлиқ операциялар учун;

экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун;

норезидент жисмоний шахс томонидан ташқи савдо шартномаси бўйича дебитор қарздорликларни сўндириш учун;

норезидентларнинг ваколатхоналари номига хориждан олиб келинган ёки почта жўнатмалари орқали юборилган нақд чет эл валютаси;

миллий ташувчилар (резидентлар) томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида транспорт экспедицияси (юкларни ташиш) шартномалари бўйича халқаро товар-транспорт юк хати асосида норезидентлардан олинган нақд чет эл валютаси.

46. Мазкур Қоидаларнинг 45-банди олтинчи — ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда норезидент жисмоний шахс томонидан қўйидаги ҳужжатлардан бири тақдим этилганда нақд чет эл валютаси банк томонидан қабул қилинади, бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчи божхона декларацияси тўлдирилиши талаб этилмайдиган ҳолатлар мустасно:

норезидент жисмоний шахс томонидан нақд чет эл валютаси хориждан олиб келганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларацияси, тегишли ишончнома асосида;

норезидент жисмоний шахс номига унинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига чет элдан келиб тушган маблағларнинг ечилганлигини тасдиқловчи банк маълумотномалари.

Норезидентлардан банк кассасига қабул қилинган валюта маблағларининг суммаси йўловчи божхона декларациясида кўрсатилади ҳамда банк штампи билан тасдиқланади. Мазкур йўловчи божхона декларациясининг нусхаси кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Нақд чет эл валютаси норезидент томонидан берилган ишончнома асосида резидент жисмоний шахслардан қабул қилинганда, пул маблағлари ушбу резидент жисмоний шахс томонидан хориждан олиб келинганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларацияси тақдим этилиши лозим.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ нақд чет эл валютасини хориждан олиб киришда йўловчи божхона декларацияси тўлдирилиши талаб этилмайдиган миқдордаги валюта маблағлари банк кассаларига топширилганда асослан-тирувчи ҳужжат талаб этилмайди.

**7-боб. Тижорат банклари томонидан нақд валюта
маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан
олиб чиқиш ва олиб кириш**

47. Тижорат банклари томонидан нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва олиб кириш Марказий банкнинг рухсати асосида амалга оширилади.

48. Марказий банкнинг рухсатини олиш учун тижорат банклари Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга мўлжалланган валютанинг тури, унинг суммаси, валюта маблағлари қайси давлатга олиб чиқилиши (давлатдан олиб кирилиши), хорижий банкнинг номи, нақд валюта маблағларини олиб чиқиш (олиб кириш) мақсадлари кўрсатилган аризани Марказий банкка тақдим этади.

49. Тижорат банкларининг нақд валюта маблағларини олиб кириш ёки олиб чиқиш учун мурожаати Марказий банк томонидан уч банк иш кунидан ошмаган муддатда қўриб чиқилади. Қўриб чиқиш натижалари бўйича тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат берилади.

Тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат беришни рад қилиш фақат тижорат банкларининг мурожаати мазкур Қоидаларнинг 48-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда амалга оширилади.

8-боб. Якуний қоида

50. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
29 августдаги 18/5-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартиби (рўйхат рақами 510, 1998 йил 22 октябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 231-1 сон «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 510-1, 2004 йил 29 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 13-сон, 160-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 26 декабрдаги 38/11-сон «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 510-2, 2010 йил 4 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 47-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 26 ноябрдаги 35/3-сон «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 510-3, 2011 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 553-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/7-сон «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 510-4, 2018 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 31-сон, 648-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/7-сон «Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 510-5, 2019 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 13-сон, 244-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 20 июлдаги 16/6-сон «Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 510-6, 2019 йил 23 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 34-сон, 616-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан хорижий валютадаги ҳисобварақларни юритиш тартиби (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1999 йил 20 февралда 232-1-сон билан тасдиқланган Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига 1-сонли ўзгартириш (рўйхат рақами 511-1, 1999 йил 1 март).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 1 мартдаги 232-2-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 511-2, 2003 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 5-6-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 31 июлдаги 232-3-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 511-3, 2003 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 15-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 232-4-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар ки-

ритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 511-4, 2004 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 13-сон, 165-модда).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 26 декабрдаги 38/12-сон «Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларнинг юритилиши тартибига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 511-5, 2010 йил 4 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон, 48-модда).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 26 ноябрдаги 35/2-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 511-6, 2011 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 554-модда).

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/3-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 511-7, 2013 йил 3 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 49-сон, 638-модда).

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/7-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 511-8, 2017 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1016-модда).

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/3-сон «Тижорат банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларнинг юритилиши тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 511-9, 2017 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 47-сон, 1174-модда).

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/7-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 511-10, 2018 йил 4 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 23-сон, 477-модда).

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/8-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 511-11, 2018 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 31-сон, 649-модда).

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/6-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 511-12, 2019 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 13-сон, 245-модда).

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сон «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валюта-

